

Mustahkam oila – yurt tayanchi



№ 52 (450)
2020-yil
31-dekabr
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma`naviy-ma`rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.

MS

Энди ҳамма умидимиз 2021 йилдан



Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

БУЮК ХАЛҚ ҲАРАКАТИ КЕНГАЙИБ БОРАВЕРАДИ

29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатнома йўллади

«Таъкидлаш керак, якунига етиб бораётган йил бутун инсоният учун нисбатан анча машаққатли синов даври бўлди ва афсуски, бу синов ҳали тугагани йўқ. Башарият сўнгги юз йилда рўй бермаган офатни бошдан кечирмоқда. Биз учун эса Бухоро ва Сардобада юз берган табиий ва техноген офатлар қўшимча синов бўлди.

Мурожаатнома ҳам айна шу мавзудан бошланди. Президент ўз вақтида кўрилган чораларга тўхталиб, халқимизнинг букилмас иродаси, фидокорона меҳнати ва матонати, аҳоли ва давлат органларининг биргалликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли қийинчиликларни мардона энгиб ўтаётганимизни таъкидлади.

Қайд этилганидек, анча қийинчиликларга қарамасдан, жорий йилда янги Ўзбекистон-

ни барпо этиш бўйича барча соҳаларда ислохотлар қатъий давом эттирилди ва Ўзбекистон санокли давлатлар қаторида ижобий ўсиш суръатларини сақлаб қолди. Илк бор миллий валютада 2 триллион сўмлик давлат еврооблигациялар паст фоизларда жойлаштирилди, 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар, инфратузилма объектлари барпо этилди. Саноатда янги йирик қувватлар ишга туширилди, Тошкент

шаҳрида 18 километрлик ер усти метроси фойдаланишга топширилди, пахтачиликда ҳосилдорлик оширилди, 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди, «IT-парк»ларда 500 дан ортиқ замонавий компаниялар иш бошлади

2020 йилнинг яна бир муҳим воқеаси аҳолининг муайян қатлами орасида камбағаллик мавжудлиги тан олинди, уни қисқартириш бўйича кенг қамровли ишлар бош-

ланганидир. Барча туман ва шаҳарларда, ҳар бир маҳаллада эҳтиёжманд оилалар, аёллар ва ёшлар билан манзилли ишлаш бўйича мулақо янги – «темир дафтар» тизими жорий этилди. Қисқа муддатда бу тизим орқали 527 минг фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Мурожаатномада Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадга эришмоқ учун, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши

лозимиги қайд этилди. Бунда ёшларимиз ўз олдида катта марраларни кўйиб, уларга эришиши учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарурлиги, шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланиши таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2021 йилга мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили», деб ном берилди.

(Давоми 3-бетда.)



UZBEKISTON
POCHTASI

«Ўзбекистон ПОЧТАСИ»

акциядорлик жамияти жамоаси

**Бунёдкор халқимизни
Янги йил байрами билан
муборакбод этади!**



**Кириб келаётган 2021 йил янги
Ўзбекистон тарихи учун сермазмун,
баракали ва муваффақиятли йил бўлсин.
Халқимизнинг эзгу ва савобга йўғрилган
кўламли ишлари янги йилда ҳам давом
этсин. Ҳар кунимиз тинч ва осудаликда
ўтсин!**



Янги йил муборак, азиз юртдошлар!



БУЮК ХАЛҚ ҲАРАКАТИ КЕНГАЙИБ БОРАВЕРАДИ

29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатнома йўллади

(Давоми,
бошланиши 1-бетда.)

Бу эса 2021 йилда мактабга таянганнинг бепул тизими билан 560 минг нафар 6 ёшли болани қамраб олиш, 2023 йил охирида мактабгача таълим қамровини 75 фоизга етказиш, узоқ кишлоқларда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари кенгайтириш, ягона «электрон таълим» тизими ва «Миллий ўқув дастури»ни жорий этиш каби тадбирларни ўз ичига олади. Шунингдек, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланади, синф раҳбарлиги учун устама тўловлар 1,5 баробар оширилади.

Айни пайтда иқтидорли ёшларнинг юқори технологиялар ва билимларни чуқур ўзлаштиришига кенг шароит яратиш ҳамда рақобатбардош миллий кадрларнинг янги авлодини тайёрлаш мақсадида Тошкент шаҳрида янги замонавий университет ташкил этилади ва 2021 йилдан олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони камида 25 фоизга, «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали хорижда магистратура ва докторантурада ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилади. Деярли барча кашфиёт ва технологияларни яратишда физика фани фундаментал асос бўлгани, хорижий тилларни ўрганиш заруратидан келиб чиққан ҳолда бу икки предмет таълими устувор йўналиш этиб белгиланади. Хусусан, физика бўйича Аҳмад Фарғоний номидаги халқаро фан олимпиадаси ташкил этилади. Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар кўлами ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилади.

Албатта, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмади. Эндиликда касблар бўйича талаб кўйишда малака асосий ўринга чиқади. Ёшлар форумида ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган бўлса, уларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ва касб-хунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади.

Ёшлар орасида эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, чин

етим, ногиронлиги бўлган ва даволанишга муҳтож болалар ҳам бор. Уларга алоҳида меҳр-мурувват кўрсатиш бўйича янги тизим жорий этилади. Жумладан, Болаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилиб, унга бюджетдан 100 миллиард сўм йўналтирилади.

Мурожаатномада Болалар Омбудсмани тўғрисида қонун қабул қилиш вақти келгани ҳам таъкидлаб ўтилди.

2021 йилга белгиланган устувор вазифаларнинг аввалига коронавирус пандемиясига қарши курашни тизимли равишда давом эттириш ва умуман соғлиқни сақлаш масалалари кўйилди. Қайд этилганидек, келаси йилдан 15 ёшгача бўлган болалар ва хомилдор аёлларга 7 турдаги витамин, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилади, умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга ёрдамчи сифатида 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат «тиббий бригадалар» ташкил этилади, ўткир қон-томир касалликлари бўйича 35 та туманлараро марказ тузилади, олис ҳудудларда ишлайдиган врачлар ёрдам пули олади ва хизмат уйлари билан таъминланади, аҳолини оммавий спорт турларига кенг жалб қилиш орқали 2021 йилда қамров ҳозирги 19 фоиздан 25 фоизга етказилади.

Маданият ва санъат соҳасида ҳам қатор янгиликларга гувоҳ бўламиз. Мисол учун, пойтахтимизда Миллий академик драма театри, Санъат музейи, замонавий кутубхона ва Алишер Навоий номидаги халқаро ижод мактабидан иборат маданият ва маърифат мажмуасини барпо этиш бўйича амалий ишлар бошланади, «Истиклол» мажмуаси қад ростлайди, ҳудудларда 22 та театр ва маданият объекти қурилади, «Ипак йўли дурдонаси» деб номланган Тошкент халқаро кинофестивали ташкил этилади.

Иқтисодий соҳада ислохотларнинг пировард мақсади камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини оширишдан иборат бўлади. Бу йўналишда эҳтиёжманд оилаларга 30 дан зиёд ижтимоий хизматни электрон шаклда кўрсатишни йўлга қўйиш, келаси йил 1 мартдан аҳолининг минимал истеъмол харажатлари микдорини эълон қилиш, маҳаллаларда аҳолини касб-хунарга ўқитиш бўйича мингдан зиёд марказлар ташкил этиш, вақтинча ишсизлик нафақа-



сини 3 баробар ошириш каби тадбирлар амалга оширилади.

Умумиқтисодий ислохотлар борасида эса аксарияти молиявий барқарор бўлмагани учун оғир юк бўлиб қолаётган давлат компанияларини трансформация қилишни жадаллаштириш, бошқача айтганда, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтиришга эътибор кучайтирилади. Келаси икки йилда уларнинг сони камида 3 баробар қисқартирилади. Шунингдек, электр энергияси, газ, қимматбаҳо металллар, минерал ўғитлар, автомобилсозлик, транспорт хизматлари каби йўналишларда монополияни бекор қилиш бошланади, давлат харидлари жамоатчилик ва Парламент назоратида бўлади, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш чоралари кўрилади, инфляциявий таргетлаш доирасида нарх-наво ўсишини 10 фоиздан оширмаслик Марказий банк ва ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлади, тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида 105 та лицензия ва ружхатнома турлари бекор қилинади, кишлоқ жойларда ҳар гектар ердан олинadиган даромадни ҳозирги ўртача 2 минг доллардан камида 5 минг долларгача етказиш устувор мақсад қилиб қўйилади, туризм инфратузилмалари яхшиланади.

Мурожаатномада давлат бошқаруви идоралари фаолиятини тубдан такомиллаштириш масаласига алоҳида ўрин берилди. Айрим идораларда қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашган, ташаббускорлик ва қатъият етишмайди, кераксиз қоғозбозлик ва мажлисбозлик кўп. Айрим ташкилотлар бир-бирининг ишини такрорлайди. Шу боис рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилади, ҳудудий масалаларни ҳал қилишда масъулият ва жавобгарлик

кучайтирилади, вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар ишини баҳолашда маҳалладаги ишларнинг аҳволи бош мезон бўлади, коррупцияга қарши кураш доирасида кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг очик тизими йўлга қўйилади, Адлия вазирлигига қабул қилинган қонун ҳужжатларини масъулларга етказиш, тушунтириш, амалиётда қўллашга кўмаклашиш ва назорат қилиш вазифаси топширилади, ҳужжатлар ижросини ташкил этишда эса жамоатчилик иштироки ва назорати кенг йўлга қўйилади, давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеи янада мустаҳкамланади, нодавлат но-тижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш давом этади.

Адолат ва қонун устуворлигини таъминлашда суд ҳокимияти ҳал қилувчи ўрин тутуди. Мурожаатномада суд-ҳуқуқ соҳасида салмоқли ташаббуслар илгари сурилди. Жумладан, янги йилдан «бир суд — бир инстанция» тамойили жорий этилади. Яъни, бир-бирини такрорлайдиган суд босқичлари қисқартирилади. Айни пайтда фуқаролик, иқтисодий ва жиноят ишлари бўйича вилоят даражасидаги 3 та суд битта суд сифатида бирлаштирилади. Тизимда рақамлаштириш янада кенгайтирилиб, «онлайн» тартибда мурожаат қилиш имконияти яратилади. Шунингдек, жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш доирасида 25 та манзил-колония босқич-ма-босқич қисқартирилади. Жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати эса жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган инсонпарварлик комиссияларига ўтказилади. Яна бир янгилик – ўтган йили 1995 йилгача юртимизга кўчиб келганларга Ўзбекистон фуқаролигини

тўғридан-тўғри бериш тартиби белгиланган бўлса, келаси йилдан 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий яшаётган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Мурожаатномада хавфсизлик, ташқи сиёсат, 2021 йилда бўладиган Президент сайлови билан боғлиқ масалалар юзасидан ҳам фикрлар баён қилиниб, устувор вазифалар белгилаб берилди.

Умумий айтадиган бўлсак, бугунги мураккаб шароитда юртимиздаги кенг қамровли ислохотлар, янги Ўзбекистонни барпо этиш сари ташланаётган дадил қадамлар бардавом бўлишини таъминлаш барча учун асосий вазифадир. Шавкат Мирзиёев айтганидек, халқимиз кечаги халқ эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳам кечаги Ўзбекистон эмас. Демак, қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмай-миз, олдинга, фақат олдинга қараб борамиз, дейиш учун асосларимиз етарли. Биз Янги йил арафасида барча ҳамюртларимизни қизгин қутлаб, эзгу тилакларни изҳор этамиз ҳамда давлатимиз раҳбарига ҳаммаслак ва ҳамфикр бўлиб, унинг ниятига тилақдош эканимизни билдирамиз:

Ўз кучимиз ва имкониятларимизга бўлган ишонч бизни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштириб, янада кучли ва мустаҳкам қилмоқда. Бу интилишлар улкан амалий ишларга айланиб, буюк халқ ҳаракати тобора кенгайиб бормоқда. Бундай қудратли сафда бўлишнинг ўзи катта бахт, катта шарафдир. Барчамизга ана шу улғу сафда бошқаларга ибрат ва намуна бўлиш, жонажон Ватанимиз, азиз халқимизга фарзандлик меҳри ва садоқати билан хизмат қилиш насиб этсин!



Сарҳисоб

«Оила даврасида» газетаси ўз саҳифаларида йил давомида кўплаб танқидий-тахлилий материалларни эълон қилди. Уларнинг кўпчилиги кенг жамоатчилик эътиборига тушди, тегишли вазирлик ва идоралар томонидан муносабатлар билдирилди. Қуйида газетамиз саҳифаларида эълон қилинган айрим материалларни эслатиб ўтишни ва улардан олинган парчаларни эътиборингизга ҳавола этишни лозим топдик.

2020 йил 11 июнь,
№ 18-19-сонлар

ЭГАСИЗЛИК ИЛЛАТИ она тилимизга муносабатни шакллантирди

...Кадрлар сиёсатида муносиб мутахассисларга рус ёки бошқа тилни билишига қараб устуворлик берилди. Ўзбек тилини қанчалик билиши эса иккинчи даражага тушиб қолди. Мана шундай ёндашув асосида ишга қабул қилинган ходим ўз она тили қайсию ўзи ишлаётган муассасада давлат тили қайси эканини фаҳмлаб-фаҳмламай фаолият юритаверди.



Катта-катта ташкилотларда давлат тилига муносабат шундай бўлгандан кейин халқда унга нисбатан ҳурмат-эътибор, гурур ва ифтихорнинг сўниб бориши ажабланарли ҳол эмас эди.

...Бир қарашда бир-биридан муҳим тақлифлар ўртага ташланяпти. Давлат тили, ўз она тилимиз тўғрисида қайғуриб, уни бузганларга, ҳурмат қилмаганларга моддий жазо – жарима қўлламоқчи бўляпмиз.

Аммо масаланинг бошқа томонини ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Жаримани тўлаб қўйган мансабдор бизнинг ўзбек тилимизни, давлат тилини истасан қўйиша солавериши мумкинлигини эсдан чиқармаслик лозим. Бундай бўлса, давлат тили ҳозиргидан кўра таҳқирлироқ аҳволга тушиб бориши ҳам ҳеч гап эмас.

Агар бузғунчиликлар жарима қўллаш билан тўхтаганида дунёда биронта ёмонлик қолмаган бўларди...

2020 йил 25 июнь,
№ 22-23-сонлар

«БУ — РОМАНТИКА ЭМАС, СЎНГГИ ИМКОНИАТ»

Ўзбекистон Журналистлар уюш-
маси Жамоатчилик кенгаши раиси
Карим Бахриев билан суҳбат

«...Танқид – агар тузум ҳуқуқ устувор бўлган, адолатли ва демократик тузум бўлса, ҳамма учун фойдалидир.

Ҳақиқатни ёзиш журналистга фойда, чунки у, аввало, ўз касбининг шарафини оқлайди, ўз номуси ва орини юксакка кўтарди ва халққа ҳам, Халиққа ҳам мақбул ишни қилади.

Ҳақиқатни чоп этиш, такрор айтмас, агар тузум демократик ва адолатли бўлса, нашрга ҳам фойдали, чунки унинг ҳақиқий обуначилари,

мухлислари кўпаяди, натижада реклама берувчилари кўпаяди, даромади ошади. Достоевский: «Пул — чоп этилган озодлик», — деган. Бойнинг овози баландроқ чиқиши шундан. Аслида бобомиз Замахшарий: «Ҳақ сўзлаганининг овози арслон ўқиришидан ҳам кўра шиддатлидир», деганлар...

...Биз бошдан кечириётган даврнинг ўзига хослиги шундаки, жамиятда янги ислохотлар тарафдорлари ва ҳаммасини аввалги ҳолига қайтариш ҳаракатидаги эски кучлар курашмоқда. Бу эски кучлар пастдан то энг юқоригача мавжудир...

2020 йил 23 июль,
№ 27-сон

КАЛТАК ЯНА ТИББИЁТНИНГ «ЕТИМ» БЎҒИНИ БОШИДА СИНАДИМИ?

...Бир ҳисоблаб кўрайлик, тўрт ойдан бери амалда фаолият юритаётган шифохоналар, бирламчи бўғин ва тез тиббий ёрдамдаги тиббий ходимлар қандай ишламоқда? Уларнинг қанчаси касалликка чалинди? Пандемия сабабли вазифаси кўпайгани учун биз уларни бошқа ишлардан озод қилдикми?

Етмишга яқин тиббий ходим ишлайдиган поликлиникага берилган бешта ҳимоя кийимини қандай тақсимлаш мумкин?

Коронавирусга шубҳа қилинган беморга 3 мутахассисдан (эпидемиолог, инфекционист, ҳудуд врач) иборат мобиль бригада бориб уни шифохонага ётқизиш ёки уйда даволаш масаласини хал қилади, деган кўрсатма берилди.

Ушбу қарорни қабул қилганлар битта туманда неча нафар эпидемиолог борлигини, пандемия даврида унинг вазифалари бир неча бор ошганини, инфекционистлар шифохоналарда беморларни даволаш билан бандлигини, мобиль бригадалар учун эпидемиолог ва инфекционист у ёқда турсин (қиш лоқ туманларида) умумий амалиёт врач етишмаслигини билганларида, бажариб бўлмайдиган қарорни эълон қилиб, халқ олдида бечора врачларни ёлғончи қилмасдилар...

2020 йил 6 август,
№ 29-сон

ЎРТАДА ЎЗИМИЗ ИФЛОСЛАНТИРАЁТГАН ДАРЁ БОР...

ёхуд одам тақчиллиги синдроми

...Биз энг муҳим соҳаларни ҳам турли иллатлардан буткул тозалашнинг удасидан чиқмаётганимиз, балки у ерда ишлаётган мутахассисларга юқоридаги қатъий талабнинг қўйилмагани билан боғлиқдир?

Балки қутилган ислохотларнинг туб негизда жамият олдидаги масъулиятини жонидан ҳам кўпроқ кадрлайдиган софдил ва виждонли мутахассислар тақчиллиги тургандир?..

Эҳтимол, эл-юртнинг катта ишончига нишон бўлган бирон мутасадди ишни биринчи навбатда қўл остидагиларининг чинакам одам қилиб тарбиялашдан бошлаши зарурдир?.. Ўшанда ҳар қандай вазиятда ўзини ва ўзлигини йўқотмайдиган, энг муҳими, сўнгги нафасигача одамлигини сақлаб қола оладиган мутахассислар кўпаяр?

2020 йил 3 сентябрь,
№ 35-сон

Ўзбекистон имиджи: «ОНАНГНИ ОТАНГА БЕПАРДОЗ КЎРСАТ...»

...Ҳа, биз «имидж» яратишга уста, «имиджмейкер» халқ бўлиб қолдик.

Бошлиқ далани кўргани келадиган бўлса, магазиннинг пахтасини олиб келиб кўсакка тиқиб қўювчилар, раҳбар ўтадиган йўлнинг икки четида полиетилендан ичида экини йўқ «иссиқхоналар» ясаб қўювчилар, чет эллик меҳмон келадиган хиёбондаги арчаларга оҳак ва яшил бўёқ аралаштириб ранг пурковчилар, суви бор, яшаса бўладиган ерлар қолиб, катта трассанинг бўйига ўтган-қайтган раҳбарнинг кўзи тушсин деб чала-чулла, ернинг нами кўллигидан ярмигача шўрлаган, бир жиддий шамолда томи учиб, бир жиддий қаҳратонда девори кўчган «намунали уйлар» қурувчилар... бўлиб қолдик. Нега?

...Юзлаб кўзларнинг остида, жамоат назорати кузатувида ишлайдиган давлат масъулиятли бўлади. Холис ҳақиқатлар яширилса, ҳали йўқ ютуқлар янада ошириб-тоширилса, нуқсонлар берки-тилса, раҳбарларда «ишлар зўр кетаётгани», фуқаролар «раҳбарлардан рози» экани ҳақида хомхаёллар пайдо бўлади. Коррупция урчиди, ҳокимият ва халқ ўртасида бўшлиқ пайдо бўлади.

...Агар ҳамма ўз жойида қилаётган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги юрт ва миллат имиджига алоқадорлигини ҳис қилса, Ўзбекистоннинг имиджи яхшиланади. Акс ҳолда имиджимиз бўлмайди ёки салбий бўлади.

2020 йил 1 октябрь,
№ 39-40-сонлар

ТАЪЛИМ ИСЛОХОТЛАРИ инсон омилига муносиб муносабат кўрсатишдан бошланиши керак эмасми?

...Ўқитувчининг ойлиги ўзининг олдинги микдорига нисбатан ошди. Бошқа касб эгаларига ёки бозор муносабатларига кўра эмас. Қуни келиб ўқитувчи минг доллар ойлик ола бошласа, бошқа соҳа вакиллари ойига камида ўн минг доллар даромад қила бошласа, бу билан ўқитувчи хурсанд бўладими?

Ҳар бир ўқитувчи ҳар бир ойлигига биттадан машина ололмаса ҳам ҳеч бўлмаганда икки-уч йил оиласидан орттирган пулини йиғиб, бир уловни бўлиб олса, шу ҳам оламшумул воқеа бўлар эди.

2020 йил 15 октябрь,
№ 42-сон

ТАРИХНИ ШАМОЛГА МУХРЛАБ БЎЛМАЙДИ Таниқли шоир ва адиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эшқобил ШУКУР билан суҳбат



«...Азалдан башарият қалтис вазиятга тушганда хал қилувчи хулосани аҳли тафаккур айтган. Конфуций, Аристотель, Румий, Навоий, Толстойлар даврида шундай бўлган.

Бугунги дунё бу миссияни пулдорларга топширди. Албатта улар ақлли, тадбирли одамлар. Лекин фақат ақлнинг ўзи тафаккур бўлолмайди-да. Бойлар дунё тақдири ҳақида башорат қиладилар, хал қилувчи хулосаларни улар айтадилар...

...Мен миллий руҳимизнинг нечоғли азизлигини ўзимнинг ҳаётим мисолида ҳис эта оламан. Олис боболаримумомларимдан тортиб, келажак неварачевараларимуму эвараларимгача, ҳаммамизни шу нарса бирлаштириб туришини, бусиз бир-биримизга етти ёт бегона бўлиб қолишимизни тушунаман. Миллий руҳдан путур кетди дегани ота билан ўғил ўртасидаги, она билан киз орасидаги эзгу муносабатлардан, меҳр ва муҳаббатдан путур кетди деганидир. Шунинг учун миллат ўз миллий руҳини жонини ҳимоя қилгандай ҳимоя қилиши керак...»

2020 йил 12 ноябрь,
№ 46-сон

Биз қураётган жамият: ФОЗИЛ ёки ЖОҲИЛ? Бу ҳақда Форобий нима деган бўлар эди?

...Ижтимоий барқарорлик ва жамият истиқболининг тамалини ташкил этувчи таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимларида рўй бераётган хунук ҳодисалар мамлакатимизни фазилат йўлидан жаҳолат йўлига буришга интилаётганлар йўқ эмаслигини, бундай ҳодисаларнинг такрор-такрор юз бериши эса жоҳилларнинг сафи тораймаётганини билдиради.

Кимдир бунга глобаллашув таъсиридаги иқтисодий жараёнлар, кимдир «оммавий маданият» ёки шунга ўхшаш замонавий муаммолар таъсирига йўйиши мумкин. Лекин Форобий бобомиз ўн бир аср аввал башариятни бундай иллатлар илгаридан ташвишга солиб келганини қайд этган.



...Хўш, жаҳолатдаги шахарлар одамларининг сифатлари билан танишар экансиз, кўз олдингизда муайян замондошларингиз гавдаландими? Форобий даври билан ҳозирги кун ўртасида аниқ параллеллар вужудга келдими?

Жавобингиз – «ҳа». Таассуфки, бу саволларга ҳаммамиз бошни ерга ҳам қилиб, тасдиқ жавобини беришдан ўзча иложимиз йўқ. Шу боис ҳам жаҳолат иллатларини бирма-бир санаб ўтган улуғ аллома залолат ботқоғига ботмаслик учун одамларнинг бирлашув ва ўзаро ёрдамга эҳтиёжи борлиги ҳақида сўз юритади.



ДУНЁ ЯНА ҚИЗИЛ РАНГГА КИРМОҚДА

Ўзбекистонга ҳам карантин чоралари қайтадими?



Тугаётган 2020 йил улкан йўқотишлари билан инсоният тарихида қолишига шубҳа йўқ. Коронавирус деган балои офат жаҳонни ларзага солди. Ҳозиргача дунё бўйича 81 миллиондан зиёд инсон бу дардга чалинди, 1 миллион 700 мингдан кўпроқ одам ҳаёт билан видолашди.

Мамлакатимизда ўз вақтида қўрилган чоралар туфайли «Covid-19»-дан тузалиш кўрсаткичи 97 фоизга етди. Пандемиядан кейинги ҳаёт аста-секинлик билан изга тушмоқда. Аммо хотиржамликка берилишга ҳеч қандай асос йўқ. Чунки турли мамлакатларда ушбу вируснинг янги-янги штаммлари қайд этилмоқда. Айрим давлатлар яна қайтадан қатъий карантин чораларини кўрмоқда.

Халқаро пресс-клубнинг «Пандемияга қарши курашда миллий тажриба» мавзусига бағишланган навбатдаги сессиясида ушбу масалалар агрофлича муҳокама қилинди. Экспертлар журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Алишер Шодмонов,


Тошкент тиббиёт академияси ректори:

– Бугунги кунда коронавирус бўйича мамлакатимиздаги нисбатан барқарорлик нималар эвазига таъминланган. Биринчи навбатда, бу ҳуқуқий асослар такомиллашгандир. Иккинчиси, моддий техник базага берилган эътибор. Янги қурилишлар, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари. Шу билан бир қаторда дори таъминоти. Кадрларнинг салоҳиятига ҳам қатъий эътибор берилиб, маҳаллий ишлаб чиқаришда муҳим ўзгаришларнинг содир бўлганлигидир.

Анвар Алимов,

Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари:

– Амбулатор шароитда даволанаётган беморларга COVID тасдиқланган, гумон қилинганларни қўшиб туриб инobatга олганимизда 12 кунга бориб 92 фоиз беморлар тўлақонли тузалганлиги, шундан факатгина 2 фоизи шифохонага, ўрта оғирликда мурожаат қилганлиги ва шу билан бирга орасида 6 фоиз 12 кундан яна бир ҳафта давомида даволанишга муҳтожлигини аниқлади.



Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош эпидемиолог Нурмат Отабеков

Ўзбекистоннинг 8 мамлакат билан авиақатновларни тўхтатиши сабабларини айтди.

«Қизил, сариқ, яшил рангни фақат светофор туфайли жуда тез фарқлайдиган бўлганмиз. Қизил – хавф белгиси. Буюк Британия, Германия, Дания, Нидерландия, Австрия, Австралия, Жанубий Африка Республикаси «қизил» рангга қирапти. Демак, бу хавф. Махсус комиссия қарори билан ҳозир саккиз мамлакат билан авиақатновлар тўхтатилди.

Тарихга назар ташлайлик. Касаллик бизга четдан кириб келди. Илк бор аниқланган бемор ҳам хориждан келган эди. Эпидемиологиянинг олтин қоидаси — касаллик манбаини жиловлаш. Касаллик манбаини жиловласак, эпидемиологик занжирни уза оламиз. Асосий мақсадимиз ҳам шу».

Дунё бўйича «Covid-19»га қарши самарали вакцина яратиш борасида қатъий изланишлар олиб борилмоқда. Маълумотларга кўра, бугунги кунда тўққизта вакцина учинчи клиник синов жараёнидан ўтказилаётган бўлса, йигирма бешта вакцина иккинчи, биринчи клиник синовгача бўлган чиғириклардан ўтапти.

Экспертларнинг маълум қилишича, Ўзбекистон Республикаси Хитойда ишлаб чиқарилган вакцинанинг, Россия ва Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган вакциналар синовининг учинчи клиник фазасида иштирок этипти. Аслида 3-клиник фаза синовларига ҳар доим ҳам, ҳамма давлатлар жалб этилавермайди. Ҳозирги вақтда Хитойнинг 5 минг доза вакцинаси ва Россиянинг 100 доза вакцинаси олиб келинган. Ҳозирги кунда Хитой вакцинасининг Ўзбекистонда учинчи клиник синовлари бошланган.

Улугбек ЖУМАЕВ,

«Оила даврасида» муҳбири



«Инсоният бошига бало бўлаётган SARS-CoV-2 коронавирусининг «мақсади» – эндемик бўлиш», деди Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассиси, профессор Дэвид Хейманн. Унинг сўзларини «Guardian» нашри келтирган, деб ёзмоқда «Xabar.uz».

КОРОНАВИРУСНИНГ «МАҚСАДИ» АНИҚ БЎЛДИ

«Афтидан, COVID-19 ҳам одамнинг бошқа тўртта коронавирус сингари эндемик бўлиб қолади. У одам хужайраларида кўпаяркан, мутациясини давом эттиради, бу хол, айниқса, жадал тарқалаётган жойларда кучлироқ намоён бўлади», деди мутахассис.

Хейманнинг таъкидлашича, одамзод жон сақлаб қолиш воситаларига эга. Аҳолининг яхши саломатлиги билан бирга улар одамларга ушбу вирус билан қандай яшаш кераклигини ўрганишга имкон беради.

ЖССТ вакили Марк Райаннинг ҳам COVID-19 эндемик бўлишига ишончи комил.

«Эҳтимолий сценарий шуки, вирус яна бир эндемик касалликка айланиб, ўзига хос хавф-хатар гуруҳига қиради. Фақат самарали глобал эмлаш дастури доирасида унинг таҳдиди камайди», деди эксперт. Райаннинг таъкидлашича, вакцинанинг мавжудлиги, ҳатто у ниҳоятда самарали бўлган тақдирда ҳам, юқумли касалликка бутунлай барҳам бериш ёки уни бартараф этишга кафолат бермайди. Уни енгиб ўтиш жуда мушкул.

Мутахассис кейинги пандемия ҳозиргидан кўра жиддийроқ бўлиши мумкинлигидан огохлантирди.

«Биз мураккаблашиб бораётган дунёда яшаймиз. Таҳдидлар сақланиб қолади. Ушбу пандемиядан, барча фожиа ва йўқотишлардан ўрганишимиз керак бўлгани бу – биргаликда ҳаракат қилишдир. Биз ҳар куни қилаётган ишларимизни такомиллаштириб, вирус қурбонларининг хотирасини ҳурмат билан ёд этишимиз керак», дея сўзини якунлади у.

Декабрь ойи ўрталарида Буюк Британияда SARS-CoV-2 коронавирусининг янги мутацияси аниқланди. Дастлабки маълумотларга кўра, вируснинг янги варианты одатдагидан 70 фоиз кўпроқ юқумли бўлса-да, ўлим ёки шифохонага ётқириш нуктаи назаридан хавфлироқ эканлиги тўғрисида ишончли маълумотлар йўқ.

ЖССТ маълумотларига кўра, пандемия бошланганидан буён дунё бўйича 81 миллиондан ортиқ кишида COVID-19 инфекцияси қайд этилган. 1,7 миллиондан ортиқ одам инфекция қурбонига айланган.

Эндемик инфекциялар – қўзғатувчилари маълум бир ҳудудда доимо бўладиган касалликлар. Эндемик касалликларга субтропик Африкадаги безгак ёки Ҳиндистондаги вабо қиради.



Ушбу сурат «ЮНИСЕФ» томонидан ўтказилган «Йил сурати» танловида 2-ўринни эгаллади. Суратда Ҳиндистондаги болалар меҳнати мавзусига эътибор қаратилган.

ВИРУСНИНГ МУТАЦИЯГА УЧРАШИ


Эмлаш самарасини йўққа чиқарадими?



Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори Нурмат Отабеков:

– Албатта, коронавирусга қарши вакциналарнинг яратилиши қанчадан қанча одамларни ушбу касалликка чалинишдан сақлаб қолиш имконини беради. Ҳозир дунё ҳамжамияти пандемияни бошидан кечирмоқда, шундай экан, биринчи галдаги вазифа бу айнан пандемияни жиловлаш, керак бўлса вируснинг у ёки бу давлатдаги элиминациясига эришиш ҳисобланади.

Фикримча, агар аҳолининг 70 фоизидан ортигига иммунитетни шакллантира оласак (*эмлаш орқали ёки касалланиш оқибатида*), демак биз пандемияни жиловлай оламиз, аниқроқ айтсак, биз уни енгамиз. Статистик рақамларга эътибор берсак, бугунга келиб, ер қурраси аҳолисининг юздан бири коронавирусга чалинди, жами қайд этилган ҳолатлар сони 81 миллиондан



ошди, 1,7 миллион нафардан ортиқ бемор вафот этди.

Фикримча, мутацияга учраган вируснинг пайдо бўлиши

эндиликда эмлашнинг бефойда эканлигини билдирмайди. Бугунги кунга қадар ишлаб чиқилган вакциналарнинг аксарияти коронавируснинг боғловчи оқсилларини кодлайди. Демак, эмлаш тадбирлари амалга оширилгандан кейин ҳатто мутант-вирус билан касалланган тақдирда ҳам беморнинг иммун тизими ҳарқатга келади ва қувонарлиси, амалдаги иммун тизимини енгиб ўта оладиган даражада протеинларини ўзгартириши учун вирус бир қатор мутациялардан ўтиши шарт бўлади.

Шу ўринда, аҳолимизга эслатиб ўтмоқчи бўлганим шуки, грипп касаллиги вируслари ҳам тез-тез мутацияга учраши сабабли вакцина ҳар фаслнинг бошида янгиланиб туради ва шу йўл билан эмлаш самарадорлигига эришилади. Бунинг учун коронавирусга қарши вакциналарни ҳам келгусида янгилаш керак бўлиши мумкин. Аммо пандемия даврида жамланган маълумотлар ва яратилган ишлаб чиқариш манбалари, шубҳасиз кейинчалик аҳолини унчалик қиммат бўлмаган ва сифатли вакцина билан мунтазам таъминлаш имконини беради.



Зулайхо БОЙХОНОВА:

«ОНАМ АЙТГАНИНИ ЭМАС, ҚАЛБИМ БУЮРГАНИНИ ТАНЛАДИМ...»

– Келинг, суҳбатимизни бироз аввалдан бошласак. Машхур Зулайхо Бойхонова бўлишингиз учун илк кадамларни қандай қўйгансиз?

– Мен «Ассалому алайкум, азиз томошабинлар! Ҳозир сахнамизга Ўзбекистон халқ артисти Зулайхо Бойхоновани таклиф қиламиз, марҳамат», деб ўзимга ўзим қарсак чашиб, ойнаси йўқ дераза ромидан «сахна»га чиқиб келардим... Ҳа, ёшлигимда мана шундай ширин хаёллар оғушида учиб юрар эдим...

Наманган вилоятининг Уйчи тумани, Бирлашган кишлоғида оддий оилада туғилиб-ўсдим. Ота-онам зиёли инсонлар бўлишган. Биз оилада олти фарзандимиз, тўрт қиз, икки ўғил. Онам «Сен бешиқда ётган пайтингдаёқ, саънаткор бўлишинг билинарди. Мен уй ишлари билан овора бўлиб, сени бешиққа бойлаб кетардим. Сен бўлса, ўзингга ўзинг алла айтиб, ухлаб қолардинг», деб кўп айтардилар.

Мактабда адабиёт, тарих, жисмоний тарбия ва энг асосийси мусиқа маданияти фанини яхши кўриб ўқирдим. Мусиқа ўқитувчимиз Долимжон Абдуллаев бошқа синфдошларимга қараганда менга кўпроқ эътибор берарди.

Ўша пайтларда мактабдан кейин бизни пахта теримига олиб чиқишарди. Пахтазор этагидан темир йўл ўтган эди. Поезд ҳар ўтганда тикилиб қолардим ва «Бир кун келиб мен ҳам шу поездда Тошкентга ўқишга кетаман, машхур саънаткор бўламан», дердим ўзимга ўзим.

Мана бугун ўша орзуларим рўёбини кўриб турибман.

– Эшитишимизча саънаткор бўлишингизга онангиз қарши бўлган эканлар...

– Тўғри, онам доим «Аёл кишига ўқитувчиликми, шифокорликми, ҳеч бўлмаса тикувчилик ярашади, кўй шу саънаткорликни» деб айтардилар. У вақтларда кўчадан, ёнимиздан бир эркак киши ўтиб қолса, то ўша одам узоклашиб кетгунига қадар юзини беркитиб турар эди аёллар. Шундай бўлгандан кейин кўпчилик ичида, эркаклар орасида кўшиқ айтишимни тасаввур қилиш ҳам қийин эди-да.

Лекин отам саънатни яхши кўрганликлари, менга ишонганликлари боис ҳеч қачон қаршилик қилмаганлар. Худога шукр, ҳеч ҳам ота-онамнинг юзини ерга қаратмадим.

– Инсон ҳаётда ўз ўрнини топишида у яшайдиган муҳит, атрофдаги инсонларнинг таъсири катта бўлади. Саънатга муҳаббат қўйишингизга кимлар дахлдор бўлган, деб ҳисоблайсиз?

– Ёшлигимизда радиода аёллардан устоз саънаткорлар Ҳабиба Охунова, Марғуба Собирова, Санобар Раҳмонованинг кўшиқлари тез-тез бериларди. Телевизорда «Куйла, Санобар!» деб номланган фильмни кўравериб, деярли ёдлаб олганман. Мана шу устозларимизнинг кўшиқларини эшитиб, уларга тақлид қилиб саънатга кирганман.

– Анча йиллардан буён саънат

ичида юрган, сахнанинг паст-баландини билган инсон сифатида соҳадаги охирги ўзгаришларни қандай баҳолаган бўлар эдингиз?

– Бизнинг юртда саънатга эътибор ҳеч қачон бугунгидай юксак бўлмаган, десам муболага эмас. Президент томонидан мақом саънати ривожлантириш тўғрисида фармон эълон қилинди. Мана шу фармондан кейин нафақат мақом саънати, балки умуман миллий саънатимизга эътибор кучайди. Аҳамият берсангиз, давлат тадбирларида айтилаётган кўшиқларнинг авжи бошқача, кўшиқлар юракдан чиқмоқда, энг асосийси, жонли ижрода қуйланяпти.

– Баъзида шовқиндан қулоқларимиз чарчайди. Ўтириб битта тор билан қуйланадиган кўшиқларни қумсаб қоламиз. Сизнинг ҳам ортиқча хашаматсиз, ортиқча шовқинсиз кўшиқларингизни эшитиб кўнгилаб яйрайди. Ҳозир айнан шундай кўшиқлар негадир кам айтиляпти. Нима деб ўйлайсиз, миллий кўшиқларни халқимиз ёдидан чиқариб қўймаймизми?

– Ёшлигида миллий кўшиқларни эшитиб катта бўлганлар кейинчалик ҳам шовқин-сурон, «гумбур-гумбур»ни қабул қилиши қийин. Ҳозирги ёшларни айблаб бўлмайди. Чунки улар қанчадир давр ичида мана шундай шовқин-суронли туркча, инглизча кўшиқларни эшитиб катта бўлишди-да. Кимдир ўта баланд овозда мусиқа эшитиб дам олади. Кимдир паст, юмшоқ овозни мириқиб тинглайди.

Миллий саънат эса барибир яшайверади. Чунки, у қон-қонимизга сингиб

– Ҳаётда мақсадсиз яшаб бўлмайди. Аллоҳ ҳар бандасини шундай муқамал қилиб яратган эканки, қалбингизни ўзи сизни бошқариб тураркан. Боя айтганимдек, мен онам танлаган касбни эмас, айнан қалбим буюрган касбни танладим. Саънаткор бўламан дедим, олдимга мақсад қўйдим. Ота-онамни рози қилиш учун, дуоларини олиш учун кўнгилаб яшайверади.

кетган, ота-боболаримиздан мерос бўлиб ўтиб келмоқда. Биздан кейин ҳам мана шундай қолишига ишонаман.

– Саънатга киришдан аввал олдингизга қандай мақсад қўйгансиз?

– Ҳаётда мақсадсиз яшаб бўлмайди. Аллоҳ ҳар бандасини шундай муқамал қилиб яратган эканки, қалбингизни ўзи сизни бошқариб тураркан. Боя айтганимдек, мен онам танлаган касбни эмас, айнан қалбим буюрган касбни танладим. Саънаткор бўламан, дедим, олдимга мақсад қўйдим. Ота-онамни рози қилиш учун, дуоларини олиш учун кўнгилаб яшайверади.

Саънат олийгоҳининг мусиқа факультетида вокал, овоз йўналтириш бўйича Ўзбекистон халқ артисти Асад Азимов, мақом йўналиши бўйича Исоқ Каттаевдан сабоқ олганман. Олийгоҳни 1986 йилда битирдик. Ўша пайтда диплом олиш учун ҳамма талабалар вилоят театрларида ишлаб бериши керак эди. Биз, етти нафар курсдош Мулла Тўйчи Тошмухамедов номидаги

Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида тўрт ой ишладик. Ўшанда Муқимий театрининг олдинги раҳбари Баҳриддин Насриддинов ишга таклиф қилдилар. У ерда солист-вокалист бўлиб 2011 йилга қадар бош қахрамон ролларини ижро этдим. Театрда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ артисти унвонларини олдим.

– Фурсатдан фойдаланиб сўраб олай, нима учун театрдан кетдингиз?

– Бир вақтлар мақом ансамблига борганимизда Орифжон Ҳотамов «Қизим, шу театрда фақат роль ўйнаб қолиб кетмагин. Ўзинг ҳам кўшиқлар айтиб, ёзиб қолдиргин» деганлари ҳамон ёдимда.

Ана ўша вақтлар устозим, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов билан ҳам танишганман. Қаранг, кўшиқчилик саънатига шунчалик қизиқиб кетдим. Театр саънасини қанчалик яхши кўрмайин, бу саҳна менга бироз торлик қилгандир, эҳтимол.

Мана, Абдуҳошим ака билан бирга яратган «Хай-хай», «Гар соғинсам...» каби кўшиқларим ҳозирги тилда айтганда «хит» бўлди. Мухлисларимиз билан кўришиб қолсак, «Зулайхо опа қачон концерт берасиз?», дейишарди.

Биласизми, элга танилганингиз сари мақсадларингиз ҳам йилдан-йилга катталашиб бораверар экан. Асосийси, касбингизни яхши кўрсангиз бўлди, унинг қийинчиликлари-ю машаққатлари ҳам чикора кўриниб қолади. Ҳатто шунақа пайтлар бўлганки, касал бўлиб ётган пайтимда



Мен касбимдан ана шундай ҳаловат топаман, хурсанд бўламан. Ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси учун йўлни менга театр саънаси очиб берган.

– Доим эл ичидасиз. Сизнингча замон ўзгарди ми ёки одамлар ўзгариб кетмоқдами?

– Бир мисол. Мен ота-онам билан гаплашиш учун троллейбусга ўтириб, Ўрдадаги телеграфга келар эдим. Турнақатор навбатларда туриб, 3 соатларда улаб беришарди. Мана, ҳозир қўлимда уяли телефон. Хоҳлаган одамим билан гаплашим мумкин. Хоҳласам, синглимга телефон қилиб гаплашаман, хоҳласам Америкадаги танишимга видеокўнғироқ қиламан. Бутун дунё янгиликлари қўлимда. Оддий телефон қурилмасидаги ўзгаришни айтяпман холос. Қолганини тасаввур қилаверинг энди.

Одамларимиз ҳам ўзгарди. Бор давлатини ўзининг соғлиғига ишлатяпти, болаларини чет давлатларда ўқитяпти, билмаганимизни фарзандларимиздан ўрганяпмиз керак бўлса. Эҳсонли одамлар кўпайди, муҳтожларга ёрдам берадиган, тўйларини қилиб берадиганлар кўп. Керак бўлса уйлар олиб беришади, шу савобим ювилиб кетмасин, деб ҳеч кимга айтишмайди.

Тўғри, баъзиларнинг орзу-ҳаваси чегара билмай қоляпти. Дабдабаю хашаматни ошириб юбормоқда. Бойлигини кўз-кўз қилиб мақтанмоқчи бўлганлар ҳам йўқ эмас. Қандайдир янги урф-одатлар ўйлаб топишади. Бу ҳаммаси аёлларга боғлиқ. Агар аёлларимизнинг тафаккури ва дунёқараши кенгайиб бораверса, мана шундай муаммоларга ўрин қолмайди.

– Қизиқарли ва мазмунли суҳбат учун катта раҳмат. Мусохабамиз ҳақида фикрларингиз...

– Менга берган саволларингиз жуда ҳам маъқул бўлди. Ўзимдан келиб чиқиб, билганимча жавоб бердим. «Оила даврасида» газетасидан шундай байрам арафасида йўқлаганингиз учун миннатдорман.

Кириб келаётган Янги йил муборак бўлсин. Барча оилаларга тинчлик-хотиржамлик тилайман. Мана шундай тинч-осойишта мамлакатга ҳар қанча қуй-қўшиқ ярашади. Яхши кунингизда ҳар доим хизматингизда бўлайлик. Ёшларимиз кундан-кунга яшнаб бораётган Янги Ўзбекистонга мос фарзандлар бўлишин. Ҳар бир хонадонга файзу барака тилайман.

Азизбек АБДУМАЛИКОВ
суҳбатлашди.



Янги Йилингиз Билан!

*Ипотека-банк АТИБ жамоаси номидан
барча юрtdошларимизни Янги 2021 йил
билан самимий табриклаймиз.
Янги йил юртимизга тўкинлик,
хонадонларимизга қут-барака олиб келсин.
Оилавий тинчлик-хотиржамлик, бахтли,
саодатли кунлар ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.*



2021



«Электромагнит мослашув маркази»

давлат унитар корхонаси

**Кўп миллатли
халқимизни**

**кириб келаётган
янги - 2021 йил билан**

**самимий муборакбод
этади!**



**ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ВА
ФАРОВОНЛИГИ ЎЙЛИДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН БАРЧА ЭЗГУ
ИШЛАРИНГУЗГА УЛКАН ЗАФАРЛАР
ТИЛАЙМИЗ. ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАТЛИК
ВА САОДАТЛИ КУНЛАР ЮРТИМИЗНИ
ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН!**

Байрам қутлуғ бўлсин!



UZTELECOM

**«Ўзбектелеком»
акциядорлик компанияси**

**Тошкент филиали
жамоаси**

**Халқимизни
Янги йил байрами
—
кириб келаётган
2021 йил билан
самимий
муборакбод этади!**



**Ҳар кунингиз тинчлик ва осудаликда,
шод-хуррамликда ўтсин.**



Осмонимиз мусаффо бўлсин!

Хизматлар
лицензияланган.
www.uztelecom.uz



давлат унитар корхонаси жамоаси


**Азиз юртдошлар! Сизларни Янги 2021 йил билан
самимий муборакбод этамиз!**

**Кириб келаётган 2021 йил барчага қувончли
дамлар олиб келсин! Яқинларимиз меҳри ва
эътибори доимо ҳамроҳ бўлсин!**



**Осмонимиз
мусаффо бўлсин,
Янги Ўзбекистонимиз
эса юксалишда
давом этаверсин!**

Байрам муборак, азизлар!



**«Тошкент
суб таъминоти»
масъулияти чекланган
жамияти жамоаси**

*Барча юрtdошларимизни ва республикамизга
ташриф буюрган меҳмонларни орзу, умидларга
сероб Янги йил байрами билан табриклайди!*

**Тобора яқинлашиб келаётган
Янги 2021 йил сизга бахт-иқбол,
хонадонингизга файз-барака,
юртимизга янада фаровонлик
олиб келишини чин кўнгилдан тилаймиз!**



**Янги йил
муваффақиятлар
йили бўлсин!**

Хизматлар лицензияланган.



«Андижон сўв таъминоти» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Гўзал Ўзбекистонимизда истиқомат
қилаётган барча юрtdошларимизни
Янги йил, тобора яқинлашиб келаётган
2021 йил байрами билан самимий
муборакбод этади!

Янги йил халқимизга
тинчлик-хотиржамлик,
хонадонларимизга
файз-барака,
кўнгишларимизга эзгулик ва
шукроналик туйғуларини
бахш этсин!



Осмонимиз доимо
мусаффо, юртимиз
гўзал, турмушимиз
эса фаровон бўлсин!

Янги йил қутлуғ
бўлсин, азизлар!





АЁЛЛАР ВА ЁШЛАР МАСАЛАСИ

ҳамиша эътиборимиз марказида



Жамиятимизда аёллар ва ёшларнинг ролини ошириш ҳамда бандлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга ошириляпти. Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизими жорий этилиши ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади.

Ҳозир аёллар ва ёшлар муаммоларини ўрганиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди. Бу масалаларда Шайхонтохур туманида секторлар кесимида ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ишчи гуруҳлар томонидан уйма-уй юриб, 18-30 ёшгача бўлган ёшлар ҳамда 30 ёшдан юқори бўлган аёлларнинг муаммолари аниқланиб, ишсиз хотин-қизлар тоифаларга ажратилди. Ҳар бир маҳалла кесимида аёллар маслаҳат кенгаши марказлари ташкил этилди. У ерда тажрибали мутахассисларни жалб қилган ҳолда оғир вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга психологик ва ижти-

мой-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Муаммоларни бартараф этишда, аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлашда, кредит олиш масаласида аҳолига маҳалла раисининг хотин-қизлар бўйича ва томорқа ободонлаштириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосарлари тўлиқ маълумот бериб боришмоқда. Аёллар ва ёшлар тадбиркорлик, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ҳар ойда Тошкент шаҳар тадбиркорлик марказида ўқитиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда ёшлар ва аёллар бемалол маҳаллага чиқиб, қайси йўналишда иш бошламоқчи экани, қўлида

қандай хунари борлиги ҳақида гаплашса, раис ўринбосарлари ўз йўналишлари бўйича тушунтириш беришади. Қўлида хунари бўлмаса, Тошкент шаҳар Тадбиркорлик марказида касб-хунарга, тадбиркорликка бепул ўқитилиб, сертификат берилади.

Лекин кўп ҳолда ишсиз фуқаролар меҳнат ярмаркаларига боришни хошлашмайди. Сабабини сўрасак, ойлиги кам экан, дейишади. Баъзида ёшларимиз, аёлларимиз, ўзлари бирон маълумотга, касб-хунарга эга бўлмасдан, амалиёти, кўникма ва малакаси йўқ бўла туриб, «катта ойлик берадиган иш бўлса, чақиринг», дейишади. Биз ёшларга, аёлларга катта ойлик олиш учун малака, маълумот, хунари бўлиши керак, деб тушунтирамиз. Бу борада тумандаги Аҳоли бандлигини таъминлаш маркази билан ҳамкорликда хотин-қизлар ва ёшлар бандлик марказлари қошида ташкил этилган ўқув марказларида қайта ўқитилмоқда.

Аёлларимиз қадимдан эркаклар билан бир хилда рўзғор юкини тортишган. Олдинлари фақат эркаклар ишлашган, пул топишган, деган қарашлар бирмунча нотўғри. Бугунги кунда «ўз-ўзини банд қилиш» тушунчаси киритилди. Бунда фуқаролар давлат ишхонасида ёки хусусий секторда ишламаса ҳам уларга меҳнат дафтарчаси юритилади. Ўзи яшаб турган туман давлат солиқ идорасидан рўйхатдан ўтиб, ҳар ойда энг кам иш ҳақидан белгиланган маълум миқдорни тўлайди. Бир йилда ўзи ҳақида солиқ идорасига маълумот беради. Қўлидан келган хунари орқали бемалол пул топади.

Туманимизда янги йил учун режалар катта. Очилиши кутилаётган ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, йирик савдо марказлари билан ҳамкорликда янги иш ўринлари яратилади ва ишсиз аҳоли вакилларининг бандлигини таъминлаш бўйича ижобий натижаларга эришиш умидидамиз.

Наргиза АХМЕДОВА,

Шайхонтохур тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассиси

РЕКЛАМА



«Трастбанк»

хусусий акциядорлик банки жамоаси

**Сиз азизларни яқинлашиб келаётган –
2021 йил билан самимий муборакбод этади!**

Ушбу қувончли байрам кунлари арафасида Сизларга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонингизга қут-барака, дастурхонингизга тўкинлик ва Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик фаолиятингизда улкан зафарлар тилайди!

Янги 2021 йил муборак бўлсин, азизлар!

«Трастбанк» хусусий акциядорлик банки мижозлар учун барча турдаги кенг қўламли банк маҳсулотлари ва хизматларини таклиф қилади.

Call center: (+998 78) 140-00-88
Веб-сайт: www.trustbank.uz
Телеграм: <https://t.me/trustbankuz>
Фейсбук: <https://www.facebook.com/trustbank.uz>
Инстаграм: https://www.instagram.com/trustbank_uz

«Трастбанк» – Ишонч билан юзма-юз!

Хизматлар лицензияланган.



«Фарғона сув таъминоти» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*Барча юртдошларимизни Янги йил
байрами, кириб келаётган 2021 йил
билан самимий муборакбод этади!*



*Янги йил сизларга кувонч, бахт ва омад,
мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик
келтирсин. Осмонимиз мусаффо,
ҳаётимиз доимо фаровон бўлсин!*

*Янги йил кутлуг бўлсин,
азизлар!*



IPAK YO'LI BANKI

Aziz vatandoshlar!

Sizlarni kirib kelayotgan Yangi yil bilan tabriklaymiz! Yangi yilda sizga barqarorlik, rivojlanish va boshlayotgan yangi ishlaringizda muvaffaqiyatlar tilab qolamiz. Barcha ezgu niyat va rejalariniz amalga oshsin. Yangi yil sizga yangi g'alabalar va yorqin lahzalar keltirsin. Sizga sog'lik, baxt va farovonlik tilab qolamiz!

Hurmat bilan, «Ipak Yo'li Banki» jamoasi!

Хизматлар лицензияланган.



«Туронбанк» АТБ жамоаси
жонажон халқимизни кириб келаётган

яни 2021 йил

билан самимий муборакбод этади.

Юртимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида амалга ошираётган

барча эзгу ишларингизга улкан зафарлар тилайди.

Азиз юртдошлар, тинчлик-хотиржамлик ва саодатли

кунларимиз бардавом бўлсин!

Барча турдаги
валюталарни тез
қулай айирбошланг!



1220

99895 144-60-00

www.turonbank.uz



turonbank



turonbankuz



turonbank

Хизматлар лицензияланган.



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

UZTELECOM АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Барча
юртдошларимизни
кириб келаётган
2021 йил – Янги йил
байрами билан
муборакбод этади!



Бошланаётган йил янги Ўзбекистон
учун муваффақият ва тараққиёт йили
бўлсин. Ҳаммининг хонадонида
тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик ва
файз-барака бардавом бўлсин!

Байрам кутлуг
бўлсин, азизлар!

Хизматлар лицензияланган.

Байрам табриклари муносабати билан газетанинг 8 та саҳифаси бепул илова этилмоқда.

OILA
DAVRASIDA
Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси
таҳририяти» масъулияти
чекланган жамияти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-мағбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Ҳусниддин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темури 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-1237
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Адади: 1 644 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00



123456